

# ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «30» 3

2022-54-7-102-ОВ-

сон

Зиёвуддин ш.

"NARPAV SIFAT TOMORQA XIZMATLARI" MCHJ (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади) номидан устав асосида ҳаракат қилувчи раҳбари Худойбердиев Ш.бир томондан ва Пахтачи туман Ободонлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи раҳбари А.Шерматов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартномага мувофиқ Ижрочи Буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклга эга бўлган қуйидаги: **Пахтачи тумани Зиёвуддин шаҳарчаси Прокуратура биноси атрофи ва Мароқанд-1 кўчалари йул четларини кўкаламзорлаштириш (1614 кв.м майдонни тайёрлаб канадагрейн экиб бериш) хизматларини** кўрсатиш, Ижрочи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Кўрсатиладиган хизматларга нисбатан қўйиладиган иқтисодий, техник, ташкилий ва бошқа талаблар:

№	Ишнинг номи	Бошланғич Нархи	Шартноманинг умумий Қиймати (битим)
1	Пахтачи тумани Зиёвуддин шаҳарчаси Прокуратура биноси атрофи ва Мароқанд-1 кўчалари йул четларини кўкаламзорлаштириш (1614 кв.м майдонни тайёрлаб канадагрейн экиб бериш) хизматлари	24 000 000	23 365 000
	Жами (ҚҚС билан)		23 365 000

## 2. ХИЗМАТ ҲАҚИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Кўрсатилган хизматлар учун Буюртмачи шартномавий баҳо тўғрисидаги баённомага мувофиқ 23 365 000 (Йигирма уч миллион уч юз олтмиш беш минг) сўм, шу жумладан, олдиндан тўлов тартибида мазкур сумманинг 30 фоизини 7 009 500 (Етти миллион туккиз минг беш юз) сўм миқдорида тўлайди.

2.3 Тўлов пул кучириш йўли билан амалга оширилади.

2.4. Ижрочининг ўзи айбдор бўлмагани ҳолда хизматни кўрсата олмаган тақдирда, Буюртмачи Ижрочига унинг харажатларини тўлаши шарт, бунда Ижрочининг хизматлар кўрсатишдан озод қилиниши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси чегириб қолинади.

2.5. Буюртмачининг айби билан хизмат кўрсатиш мумкин бўлмай қолган тақдирда, хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак.

## 3. ХИЗМАТЛАРНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1 Ижрочи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган хизматларни шахсан ўзи кўрсатиши шарт.

3.2. Хизматлар кўрсатилгандан сўнг Ижрочи Буюртмачига кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим этади ва унга ҳисобот ҳужжатларини илова қилади.

3.3. Хизмат натижаларидан қониқмаган Буюртмачи далолатномани олган пайтдан бошлаб 15 кун ичида Ижрочига хизматларни қабул қилишдан бош тортиши мумкин.

3.4. Буюртмачининг радномаси асосли деб топилган тақдирда, тарафлар икки томонлама далолатнома туздилар ва унда қўшимча кўрсатилиши лозим бўлган хизматлар рўйхати ва уларни бажариш ёки бажаришни тўхтатиш муддатларини кўрсатадилар.

3.5. Хизматларни кўрсатиш жараёнида уларни давом эттириш имконияти йўқлиги мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, Буюртмачи бу ҳақда Ижрочини хабардор қилиши ва у билан бирга зарурий чораларни кўриши шарт.

#### **4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

4.1. Ижрочи ушбу шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, у келтирган зарарни Буюртмачига тўлиғича тўлаши шарт, лекин бу тўлов ушбу шартномада назарда тутилган хизматлар баҳосининг икки бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

4.2. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар.

4.3. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилади. Тарафлар келишувга эришмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тарафлар учун қатъий ва мажбурий ҳисобланади.

#### **5. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

5.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

5.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

5.3. Буюртмачи хизматларнинг белгиланган баҳосини тўлиқ тўлаш шarti билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома Ижрочининг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

5.4. Ижрочи ушбу шартнома бекор қилиниши туфайли буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шarti билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома Буюртмачининг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

5.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 3 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

#### **6. ФОРС-МАЖОР**

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

6.2. Тегишли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

6.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

6.4. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 6 ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

#### **7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР**

7.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид

шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

7.2. “Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”га маскур шартнома доирасида қўйидагиларни кафолатлайди ва қўйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупция қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистан Республикасиинг барча қонун ва қоидаларига катъий риоя қилади.

#### 8. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ:

Ижрочи:

“NARPAY SIFAT TOMORQA

XIZMATLARI» МЧЖ

Манзили: Нарпай туман Чакар МФЙ

Ҳисоб-китоб рақами:

20208000605308502001

СТИР 307934976 МФО 00298

Банк: Микрокредит банк Зиёвуддин фил.

Октош банк хизматлари булими

Раҳбар  Худойбердиев Ш



Буюртмачи:

Пахтачи тумани Ободонлаштириш

бошкармаси

Манзили: Зиёвуддин ш, М.Улугбек кучаси-

12 уй

Ҳисоб-китоб

рақами

100022860182307065200110002

СТИР 200770249 МФО 00014

Банк: Марказий банк Тошкент ш.ХККМ

Ҳисоб-китоб рақами: 23402000300100001010

СТИР 201122914 МФО 00014

Раҳбар 

А.Шерматов

М.У





**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
**SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI**  
**PAXTACHI TUMAN YURIDIK XIZMAT KO‘RSATISH MARKAZI**

2022 yil 30 mart

Ziyovuddin sh.

**Xo‘jalik shartnomasi yuzasidan yuridik ekspertiza**  
**XULOSASI**

Paxtachi tuman Obodonlashtirish boshqarmasi bilan Narpay sifat tamorqa xizmat korxonasi o‘rtasidagi xizmat kursatish shartnomasini ko‘rib chiqilganda qo‘ydagilar

**ANIQLANDI:**

Paxtachi tuman tuman Obodonlashtirish boshqarmasi bilan Narpay sifat tamorqa xizmat korxonasi o‘rtasidagi xizmat kursatish shartnomasini loyihasi O‘z.Res.si “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi qonun talablariga rioya qilingan holda tayyorlangan. O‘zbekiston Respublikasi “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar shartnomaviy huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonuni talablariga mos ravishda ishlab chiqilgan. Qonunning 10- 15-24-32 moddalarida ko‘rsatib utilgan bandlar tuliq o‘z aksini topgan. Mazkur xo‘jalik shartnomasining loyihasi, shartnoma predmitini, etkazib beriladigan tovarning miqdori, sifati, va bahosini, shartnomaning bajarilishi mudatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, majburiyatlar bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini, shartnoma tuzilgan sana va joyini, shuningdek qonunchilikda belgilangan tartibda yoki taraflarning birining arizasiga ko‘ra o‘zaro kelishuvga erishish lozim bo‘lgan boshqa muhim shartlarni nazarga olgan. Shartnomada hisob-kitob tartibi ham qonunchilikka mos ravishda belgilangan, oldindan tulov masalasi ham qonunchilikda belgilanganidan kam bo‘lmagan miqdorda ko‘rsatilgan.

**X u l o s a :**

Paxtachi tuman tuman Obodonlashtirish boshqarmasi bilan Narpay sifat tamorqa xizmat korxonasi o‘rtasidagi xizmat kursatish shartnomasini loyihasi amaldagi qonunlar talablariga mos ravishda ishlab chiqilgan. Yuqorida ko‘rsatilgan normativ xujjatlar talablariga javob beradi.

Paxtachi tumani yuridik hizmat  
ko‘rsatish markazi  
bosh yuriskonsui‘ti:



A.S. Pattayev.